Савол: Ислом рамзи сифатида янги чиккан ой (хилол) танланганини биламиз. Нега ой танлангани ва бу нарса качон жорий этилгани хакида маълумот беролмайсизларми?

Жавоб: Аллох таоло ойни кечалари нур сочиб ёритиб туриши учун яратган. Аллох таоло ойни яратиш билан бандаларнинг йиллар саногини ва вакт хисобини хатосиз хисоблаб юришларини ирода этган. Бу борада Расулуллохдан (соллаллоху алайхи ва саллам) бир неча хадислар ворид бўлган. Хусайн ибн Хорисдан (розияллоху анху) ривоят килинишича, Макканинг амири хутба килиб: «Расулуллох бизларга ибодатларни ойни кўриб адо этишни... амр килганлар», деди (Имом Абу Довуд ва Дора Кутний ривоятлари). Ибн Умардан (розияллоху анху) ривоят килинади. Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): «У (ой)ни кўриб рўза тутинглар ва уни кўриб очинглар», деганлар (Имом Термизий ривояти).
Ислом рамзи сифатида хилолнинг танланишига усмонийлар давридаги вокеалар сабаб бўлган. 1453 йили Султон Мухаммад Фотих Византиянинг юраги саналмиш Кустантания (хозирги Истанбул) шахрига юриш бошлади. Ислом тарихида хал килувчи жангни бошлаш пайти килиб осмонда ой кўриниши белгиланди. Сўнгра хилол чикиши билан хужумга ўтилди ва бу мухим шахар фатх этилди. Фотихлар шундан кейин ой суратларини байрокларига туширишди.
У пайтда усмонлилар халифаликни хали кўлга олишмаган эди. 1516 йили Султон Салим Биринчи Ислом ўлкалари устидан хукмронликни кўлга киритди. Байрокдаги ой сурати хам усмонлилар оркали бошка мусулмон юртларга рамз ўларок таркалди.
Хозирги пайтда жахондаги ўн учта мамлакат - Жазоир, Комор ороллари, Мавритания, Малайзия, Малдив, Озарбойжон, Покистон, Сингапур, Тунис, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Гарбий Сахара байрокларига ой (хилол) тасвири туширилган. Масжидларнинг минора ва гумбазлари устига хам ой тасвири ўрнатиш урфга кирган.

"Динда саволим бор" китобидан